

2/2024,
mart-
aprel
(№ 00070)



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РОЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Хусанов Муроджон Суннатуллаевич,
Қўқон университети Exam Control департаменти бошлиғи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

murodjon_0202@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss2/a24

Аннотация

Мазкур мақолада миллий иқтисодиётда хизматлар соҳаси ролининг иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, хизматлар соҳасида ҳажм яратувчи ҳамда мазкур соҳада фаолият юритувчи субъектларнинг таҳлили, Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланиб бориш динамикаси таҳлили кўрсатиб берилган. Олиб борилган таҳлиллар, биргина мисол тариқасида Ўзбекистонда хусусий тиббиёт муассасалари сонинг кундан кунга ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт соҳасида соғлом рақобатни юзага келтириб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ва уларнинг нархини пасайтириш имконини бермоқда. Юқоридагилар бутун жаҳонда юз бераётган тенденциялар, айниқса Ковид-19 пандемиясидан кейин жадал ривожланаётган хизматларнинг янги турлари Ўзбекистон бозорига ҳам кириб келаётгани, бу эса, иқтисодий ривожланиш стратегиялари, мақсадли дастурлар ва хизматлар соҳасини ривожлантириш борасидаги қарорлар қабул қилишда алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Калит сўзлари: миллий иқтисодиёт, иқтисодий-статистик таҳлил, хизмат кўрсатиш соҳаси, хизматлар турлари, молиявий хизматлар таҳлили, хизматлар соҳасини ривожлантириш.

ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РОЛИ СЕКТОРА УСЛУГ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Хусанов Муроджон Суннатуллаевич

Начальник отдела экзаменационного контроля университета Коканд, Независимый исследователь Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация

В данной статье показан экономико-статистический анализ роли сферы услуг в национальной экономике, анализ субъектов, создающих объём в сфере услуг и осуществляющих деятельность в этой сфере, анализ динамики развития сферы услуг в Узбекистане. Проведенный анализ показывает, что количество частных медицинских учреждений в Узбекистане увеличивается с каждым днем. Это, в свою очередь, создает здоровую конкуренцию в сфере медицины, позволяет повысить качество предоставляемых населению медицинских услуг и снизить их цены. Вышеупомянутые тенденции происходят во всем мире, особенно тот факт, что на рынок Узбекистана после пандемии Ковид-19 выходят новые виды быстро развивающихся услуг, что требует особого внимания при принятии решений о стратегиях экономического развития, целевых программах и развитие сферы услуг.

Ключевые слова: национальная экономика, экономико-статистический анализ, сфера услуг, виды услуг, анализ финансовых услуг, развитие сферы услуг.

ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS OF THE ROLE OF THE SERVICE SECTOR IN THE NATIONAL ECONOMY

Khusanov Murodjon Sunnatullayevich

Head of the examination control department of Kokand University, Independent researcher at Tashkent State University of Economics

Abstract

This article shows an economic and statistical analysis of the role of the service sector in the national economy, an analysis of entities that create volume in the service sector and carry out activities in this area, an analysis of the dynamics of development of the service sector in Uzbekistan. The analysis shows that the number of private medical institutions in Uzbekistan is increasing every day. This, in turn, creates healthy competition in the medical field, improves the quality of medical services provided to the population and reduces their prices. The above-mentioned trends are occurring all over the world, especially the fact that new types of rapidly developing services are entering the Uzbekistan market after the Covid-19 pandemic, which requires special attention when making decisions on economic development strategies, targeted programs and the development of the service sector.

Key words: national economy, economic and statistical analysis, service sector, types of services, analysis of financial services, development of the service sector.

Кириш

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. У билан боғлиқ фаолият доираси анча кенг бўлиб, савдо, транспорт, алоқа ва ахборотлаштиришдан молиялаштириш, сўғурта, таълим ва соғлиқни сақлаш, шунингдек, воситачиликнинг турли турларини қамраб олади. Яъни, хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг турли турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган, жамланган умумий тоифадир. Шу ўринда, хизмат кўрсатиш фаолиятини моддий ишлаб чиқариш билан солиштирадиган бўлсак, унинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, товарлардан фарқли ўлароқ, хизматлар биринчи навбатда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади ва уларни сақлаш мумкин эмас. Иккинчидан, гарчи саноатда хизмат кўрсатишнинг роли ортиб бораётган бўлсада, яъни, бунда ускуналарни таъмирлаш, сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш ва товарларни сотиш билан боғлиқ бошқа хизматларни ўз ичига олишига қарамасдан хизматлар кўпинча маҳсулотларга қарама-қарши қўйилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси жуда кўп қиррали бўлиб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга ёрдам берадиган турли хил фаолият турларини ўз ичига олади. Бундай фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки нафақат корхоналарга, балки жисмоний шахсларга — якуний истеъмолчиларга ҳам кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлардир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга таъсир этувчи муҳим омил – иқтисодиётни модернизация қилишдир. Демак, янги технологияларни

фаол жорий этиш, инфратузилма ва таълимни ривожлантириш мамлакатда хизматлар соҳасининг жадал ўсишига ёрдам беради.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳукумати томонидан иқтисодийнинг турли тармоқларига, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвесторлар фаол жалб этилмоқда, бу эса тобора кўпроқ янги технологияларни жорий этиш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш учун зарур тажрибани ўзлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Миллий иқтисодийда хизматлар соҳаси ролининг ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш бир қатор маҳалий ва хорижлик олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз олимларидан И.Абдуллаевнинг “Минтақа иқтисодийтини ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятлари” номли мақоласидаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратган, шу жумладан вилоятда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари кўрсатилиши кенгайиб бораётганига қарамасдан, қишлоқ жойларида интернет билан таъминланганлик даражаси ва интернет тезлиги жуда паст. Бу эса, савдо жараёнида терминалдан фойдаланишда ноқу-лайликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Аҳолига ва тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида мазкур муаммони ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу мақолада ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатиш соҳасининг тутган ўрни ва вилоятда аҳоли фаровонлиги ортиб бораётгани кўрсатилган. Шунингдек, вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича эришилган ютуқ ва камчиликлар иқтисодий-статистик таҳлил қилиниб, хизматлар соҳани янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. [6].

Рус олими Башмачникова МДХ давлатларининг хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиб, хизмат кўрсатиш соҳаси барча турдаги тижорат ва нотижорат хизматларни ўз ичига олган иқтисодийнинг бир қисми деган хулосани берди [6].

Хизматлар доирасига қуйидагилар киради:

- Соғлиқни сақлаш хизматлари;
- Молиявий хизматлар;
- Транспорт хизматлари;
- Ахборот ва алоқа хизматлари;
- Таълим хизматлари;
- Уй-жой коммунал хизматлари;
- Маиший хизматлар;
- Ижара хизматлари;
- Туристик хизматлар;
- Юридик хизматлар;
- Савдо хизматлари ва ҳ.к.

Тадқиқот методологияси

Миллий иқтисодийда хизматлар соҳаси ролининг иқтисодий-статистик таҳлил қилиш билан шуғулланган миллий ва хорижлик олимларнинг илмий изланишлари

натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолани тайёрлашда абстракт ва аналитик мушоҳада, қиёсий ва омилли таҳлил, индикатив, танланма кузатув, таққослаш, иқтисодий-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Даставвал, хизматлар соҳасида ҳажм яратувчи, мазкур соҳада фаолият юритувчи субъектларни таҳлил қиладиган бўлсак, натижалар Ўзбекистонда 2019-2023 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сонининг 1 январь ҳолатига кўра 81,1 мингтага кўпайганини кўрсатмоқда (2019 йил бошида – 262,0 мингта, 2023 йил бошида – 343,1 мингта) (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2019-2023 йилларда хизматлар тармоғида фаолият юритаётган юридик мақомга эга субъектлар динамикаси¹ **(сони, йил бошига, мингта)**


Хизмат турлари	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	Ўзгариш (2023-йилни 2019-йилга нисбатан фарқи, % да)
Жами субъектлар	261978	309386	347581	392786	343057	130,9
Ахборот ва алоқа	7901	9517	10587	12204	10551	133,5
Молия	3562	3651	3279	3608	2776	77,9
Транспорт	15360	17301	18251	20666	17935	116,8
Яшаш ва овқатланиш	25636	30111	33104	36811	28364	110,6
Савдо	101081	132192	157130	182917	158065	156,4
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	13529	13893	14236	15088	14637	108,2
Таълим	27755	29241	31756	34135	31185	112,4
Соғлиқни сақлаш	7903	9145	10391	11597	10998	139,2
Ижара ва лизинг	2184	2262	2249	2505	1897	86,9
Маиший товарларни таъмирлаш	2697	3238	3336	3571	2669	99,0
Шахсий хизматлар	4549	6030	7278	8583	6670	146,6
Меъморчилик, техник синовлар ва таҳлил хизматлари	3062	3628	4074	4441	4180	136,5
Бошқа хизматлар	46759	49177	51910	56660	53130	113,6

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2023 йил бошига келиб 2019 йил бошига нисбатан молия (77,9 % ёки -786 та), ижара ва лизинг (86,9 % ёки -287 та), компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш (99,0 % ёки -28 та) каби хизмат турлари билан шуғулланувчи юридик мақомга эга субъектлар сонининг пасайиши кузатилади. Шу ўринда, савдо (156,4 % ёки +56984 та), шахсий хизматлар (146,6 % ёки +2121 та), соғлиқни сақлаш (139,2 % ёки +3095 та), меъморчилик, техник синовлар ва таҳлил хизматлари (136,5 % ёки +1118 та) ҳамда ахборот ва алоқа (133,5 % ёки +2650 та)

хизматлари соҳасида субъектлар сонининг ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин, бу эса мазкур тармоқларда жадал ривожланишдан далолат беради.

Шунингдек, соҳада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сонининг 108,5 мингтага кўпайганини кузатиш мумкин (2019 йилда – 217,3 мингта, 2023 йилда – 325,8 мингта).

Хизматлар соҳасида 2019-2023 йиллар мобайнида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2019 йилдаги 19,7 мингтадан 2023 йил бошига келиб 60,6 мингтага етди. 2022 йилда янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг 94,4 % и (57,2 мингта) хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда.



1-расм. 2000-2023 йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланиб бориш динамикаси²


Соҳада фаолият кўрсатишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида, субъектлар сонининг кўпайиб бориш баробарида хизматлар ҳажмининг ҳам ошиб бориш тенденцияси кузатилади. Хусусан 2000-2023 йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланиб бориш динамикасини кўрадиган бўлсак, Статистика агентлиги маълумотларига кўра, рақамлар 2010 йилда республика бўйича 27,1 трлн. сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 193,7 трлн. сўмга, 2023 йилда эса 470,3 трлн. сўмга етганлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда, ўсиш суръатларини кузатадиган бўлсак, вақт қаторлари юқори, яъни +10 ф.п. (фоиз пункт) ўсишни қайд этмоқда. Биргина 2020 йилда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати 103,0 % бўлиб, буни Ковид-19 пандемияси натижасида юзага келган форс-мажор ҳолати билан изоҳлаш мумкин (1-расм).

Буни Ковид-19 пандемияси сабабли айрим хизмат кўрсатиш турларининг пасайишида, шу билан бир қаторда, мавжуд карантин вазиятидан келиб чиқиб, айрим хизмат турларининг кўпайишида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки, айнан пандемия пайтида мавжуд вазият бир тарафдан хизмат кўрсатишнинг янгича усулларида, яъни электрон хизмат, етказиб бериш хизматлари ва бошқа бир қатор хизмат турларидан фойдаланишга олиб келган бўлса, иккинчи тарафдан янги хизмат турларининг ҳаётимизга кириб келишига ва ривожланишига туртки бўлди.

Биргина мисол тариқасида, 2020 йилнинг ўзида 25 мингга яқин янги савдо хизматларини кўрсатувчи субъектлар иқтисодийотимизга кириб келди, бу эса сўнгги 5

йилда (2019-2023 йиллар) янги ташкил этилган савдо хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг 44,0 % и деганидир.

Натижада, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар, молия хизматлари, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, таълим соҳасидаги хизматлар, соғлиқни сақлаш хизматлари, шахсий ва бошқа турдаги хизматларнинг ўсишига олиб келди (2-расм).



2-расм. 2019-2023 йилларда хизматлар таркибининг ўзгариш динамикаси, фоизда³

2019–2023 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш динамикаси хизматларнинг асосий турларини ривожлантиришнинг ижобий тенденцияларидан далолат беради. Умуман олганда, 2019-2023 йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларнинг ижросини таъминлаш натижасида бозор хизматлари ҳажми 1,9 баробар ошиб, 470,3 трлн. сўмни, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми эса шу даврда 1,8 баробар ошиб, 12,9 млн. сўмни ташкил этди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ахборот технологиялари (АКТ) соҳаси жадал ривожланмоқда. Республикада АКТ инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, Интернетга кенг поласали уланиш хизматларини кенгайтириш ва янги маълумотларни қайта ишлаш марказларини қуриш учун инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Мазкур йўналишда янги фаолиятни йўлга қўйганлар учун солиқ имтиёзлари ва қулай шароитлар яратиш орқали ҳукумат АКТ соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қувватламоқда. Бу, хусусан, Ўзбекистонда кўплаб ёш тадбиркорлар ва инновацион стартаплар билан бой бўлган жонли, замонавий АКТ экотизимини яратишга ёрдам берди.

Рақамларни кўрадиган бўлсак, 2019-2023 йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг умумий ҳажми 3 баробар ошиб, 2023 йилда унинг ҳажми 22,9 трлн. сўм етди ва 2019 йилга нисбатан 14,7 трлн. сўмга ошди.

Ўзбекистон бозорида уяли алоқа хизматларини “Unitel” МЧЖ (“Beeline” савдо белгиси), “Universal Mobile Systems” МЧЖ (UMS савдо белгиси), PWC қўшма корхонаси


(Perfectum Mobile savdo belgisi), yakka tartibdagi tadбиркор “Coscom” MЧЖ (“Ucell” savdo belgisi) va “Ўзбектелеком” АКнинг UzMobile филиали каби компаниялар тақдим этади.

2020 йилдан бошлаб республикада яна бир уяли алоқа оператори, яъни 2016 йилда ташкил этилган “Humans” халқаро компаниялар гуруҳи таркибига кирувчи “Humans” MЧЖ фаолият кўрсата бошлади. Бу гуруҳ фаолияти молия сектори, телекоммуникациялар, ахборот алмашинуви ва тиббиёт соҳаларида технологик лойиҳаларни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг яна бир муҳим бўғини молия секторидир. Мамлакат янги молиявий маҳсулотлар ва хизматларни жорий этиш, шунингдек, молиялаштириш имкониятларини, шарт-шароитларини яхшилаш орқали банк секторини ривожлантирмоқда. Республика ҳукумати томонидан молия соҳасига хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, бу эса янги технологиялар ва тўпланган тажрибани олиб кириш, молия секторини модернизация қилишга ҳисса қўшиш имконини берди.

Шундай қилиб, 2019–2023 йилларда молиявий хизматлар ҳажми қарийиб 2,6 мартага ошди. Яъни, 2023 йилда молиявий хизматлар ҳажми 106,4 трлн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан (34,1 трлн. сўм) ҳажм жиҳатидан 72,3 трлн. сўмга ўсди.

Бу даврда мамлакатимизнинг мева-сабзавот, жумладан, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва мустақамлашга алоҳида эътибор қаратаётган ёш, жадал ривожланаётган “ЎзАгроЭкспорт банк” акциядорлик тижорат банки фаолият кўрсата бошлади.



3-расм. Алоқа корхоналарининг алоқа хизматидан тушган тушуми таркиби⁴

Бундан ташқари, “ANOR BANK” ОАЖ, “ТВС BANK” АТБ (Грузия “ТВС BANK” АТБнинг шўъбаси) ва “Tenge Bank” АТБ (АЖ “Қозоғистон халқ банки” (“Halyk Bank”) шўъбаси) каби тижорат рақамли банклари Ўзбекистон молия бозорига кириб келдилар. Булар замонавий банк технологияларидан фойдаланган ҳолда барча тоифадаги корпоратив ва якка тартибдаги мижозларга молиявий хизматлар кўрсатувчи, шунингдек,

ислохотларнинг фаол босқичида бўлган соҳага инновацион ёндашувларни жорий қилувчи универсал банклардир.

Шу билан бирга, нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам операцияларни амалга ошириш имконини берувчи, банк тўлов карталарига асосланган “Нумо” тўлов тизими – “НумоCard” республика молия бозорининг асосий иштирокчиларидаан бирига айланди.

Ўзбекистонда муҳим хизмат кўрсатиш соҳаларидан яна бири бу – транспорт хизматларидир. Ушбу соҳага транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль ва темир йўлларни қуриш учун катта маблағлар йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, янги технологияларни жорий этиш ва логистикани такомиллаштириш орқали мамлакатимиз транспорт соҳасини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда, бу эса, ўз навбатида, республикада транспорт хизматлари самарадорлиги ва ишончилигини оширишга сезиларли ёрдам бермоқда.

2019-2023 йилларда транспорт хизматлари ҳажми 1,3 баробар ошди. Шундай қилиб, 2023 йилда уларнинг ҳажми 2019 йилга нисбатан (54,2 трлн. сўм) 54,0 трлн. сўмга ошиб, 108,5 трлн. сўмни сўмни ташкил этди, бу эса кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 23,1 % идир.

2-жадвал

Турлари бўйича 2023-йилда кўрсатилган транспорт хизматлари ҳажми⁵

Турлари	Ташилган юклар, млн.т	Ташилган йўловчилар, млн.киши	Юк айланмаси, млрд. т-км	Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км
Темир йўли	73,8	9,7	27,1	3,9
Автомобил	1 309,4	6 270,2	21,5	133,8
Троллейбус	-	0,7	-	0,02
Трамвай	-	3,4	-	0,01
Метрополитен	-	162,7	-	1,2
Ҳаво йўли	8,9	5,3	226,3	13,8
Қувур йўли	60,1	-	28,0	-

Маълумки, 2023 йил республикамизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис парламенти йиғилишидаги Мурожаатномасида «Янги Ўзбекистон тараққиётининг ягона тўғри йўли таълим сифатини ошириш», дея алоҳида таъкидланди [3].

Таҳлиллар, 2019-2023 йилларда таълим соҳасига оид хизматлар 1,9 баробарга ошганлигини кўрсатмоқда. Яъни, 2023 йилда таълим соҳасида хизматлар ҳажми 2019 йилга (7,1 трлн. сўм) нисбатан 13,3 трлн. сўмга ошиб, умумий ҳажми 20,4 трлн. сўмга етди ва кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 4,3 % ини ташкил этди.

Таҳлилимизни давом эттирадиган бўлсак, иқтисодиётда кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг салмоқли қисмини савдо хизматлари (110,7 трлн. сўм) ташкил

этиб, 2019-2023 йиллар давомида умумий ҳисобда 61,9 трлн. сўмга ёки 1,4 баробарга ошган.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳудудида 191 та, шу жумладан, 28 та хорижий олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда умумий ҳисобда 1040,4 минг нафар талаба таҳсил олади. Эътиборли жиҳати уларнинг асосий қисми, яъни 71,4 % и (742,7 минг киши) 2019-2023 йилларда ошганлигини кўриш мумкин.

Чунки, худди шу даврда Пучон университети, Ёджу техника институти, “АМИТИ” университети, “WEBSTER” университети, Британия менежмент университетининг АКФА хусусий университети, Варшава “COLLEGIUM HUMANUM” менежмент университети, “МИФИ” Миллий тадқиқот ядро университети, Астрахан давлат техника университети, Санкт-Петербург кон университети, Перм давлат фармацевтика академияси, “Москва пўлат ва қотишмалар институти” миллий тадқиқот технологик университети, Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Москва архитектура университети, Россия технология университети, Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти (ВГИК) филиаллари очилди.

Яна бир муҳим йўналиш – соғлиқни сақлаш хизматлари. 2019 йилга нисбатан 2023 йилда соғлиқни сақлаш хизматлари ҳажми 5,3 трлн. сўмга ошиб, жами 8,4 трлн. сўм ташкил этди. Бу эса, хизматларнинг умумий ҳажмида уларнинг улушини 1,8 фоизга етказишга хизмат қилди.

Айни пайтда республика бўйича 1,3 мингдан ортиқ шифохона фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ҳудудларда қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этилиб, ижтимоий дорихоналар ва кечаю кундуз ишлайдиган тез тиббий ёрдам, перинатал ва қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш поликлиникалари хизматлари йўлга қўйилди. Қишлоқ аҳолисига беш тор ихтисослик (акушер-гинеколог, жарроҳ, стоматолог, терапевт, педиатр) бўйича ихтисослаштирилган амбулатория ёрдами кўрсатилиб, ультратовуш ва лаборатория текширувлари ҳам ташкил этилди. Бунинг натижасида қишлоқ аҳолисига малакали ихтисослаштирилган амбулатория ёрдами кўрсатишга эришилди.


Бундан ташқари, таҳлиллар, Ўзбекистонда хусусий тиббиёт муассасалари сонинг кундан кунга ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт соҳасида соғлом рақобатни юзага келтириб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ва уларнинг нархини пасайтириш имконини бермоқда.

Мисол тариқасида, 2018 йилда “AKFA Medline” кўп тармоқли тиббиёт маркази очилиб, у республикада “CERT International” маҳаллий органи томонидан сертификатланган биринчи тиббий ташкилот бўлди. Мазкур орган фаолиятининг ваколоти ва холислиги Словакия Миллий аккредитация хизмати (SNAS) томонидан тасдиқланган, “CERT International” мувофиқлик сертификатлари эса дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатларида тан олинган.

Шу даврда, бошқа ўнлаб муассасалар, хусусан, онкология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия, алергология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология, наркология, болалар хирургияси каби йўналишларда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилди. Масалан, репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида Иккинчи перинатал марказ фойдаланишга

топширилди. У етакчи клиникалар тажрибасига асосланган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Биринчи қаватда кўп тармоқли клиника, юқори қаватларда беморлар хоналари ва умумий амалиёт кабинетлари, шу жумладан неонатал интенсив терапия бўлими жойлашган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Миллий болалар тиббиёт маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қиймати 130 млн. доллардан зиёд бўлган мазкур замонавий тиббиёт маркази Корея Республикасининг Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) кўмагида ташкил этилган. Марказ клиникаси кунига 250 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган. Марказ магнит-резонанс томография, мультиспирал компьютер томографияси, замонавий лаборатория ва саратонни олдиндан аниқлайдиган замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланган.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес муҳим ўрин тутди. Хусусан, 2024 йил бошида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 277,1 мингтани ташкил этди. 2023 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 224,4 трлн. сўмни (2019 йилда – 103,1 трлн. сўм) ва ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 47,7 % ни ташкил этди.



4-расм. Ҳудудларнинг мамлакат хизматлар ҳажмини шакллантиришдаги ўрни, жамига нисбатан фоизда⁶

Мамлакатлар макроиқтисодиётининг муҳим ташкилий бўғини шак-шубҳасиз ҳудудлардир. “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги 2020 йил 28 августдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–635-сон Қонунига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси – вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллардан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат” (5-модда, биринчи хатбоши)

Ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик, улар таркибидаги шаҳар ва туманлар маълум бир объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, географик ва ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётининг таркиби, саноат ва қишлоқ хўжалигининг

ривожланганлик даражаси, демографик ҳолати, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳияти билан бир-биридан фарқ қилади.

Бу ҳолат бошқа тармоқлар каби хизматлар соҳасида кузатилади. Қуйидаги 4-расмдан кўриш мумкинки, ҳар бир ҳудуднинг мамлакат хизматлар ҳажмини шакллантиришдаги ўрни турличадир. Хусусан, энг юқори улуш Тошкент шаҳри (жами хизматлар ҳажмидаги улуши 41,1 %), Тошкент вилояти (6,8 %), Самарқанд вилояти (6,2 %), Фарғона вилояти (5,7 %) ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, ўрта даражада ривожланишга эга бўлган ҳудудлар қаторида Андижон вилояти (4,6 %), Қашқадарё вилояти (4,2 %), Бухоро вилояти (4,1 %), Наманган вилояти (3,8 %) ва Сурхондарё вилояти (3,3 %) мисол қилиб келтириб ўтиш мумкин. Республика хизматлар ҳажмини шакллантиришда энг паст улушга эга бўлган ҳудудлар қаторига Хоразм вилояти (2,8 %), Қорақалпоғистон Республикаси (2,7 %), Навоий вилояти (2,4 %), Жиззах вилояти (2,2 %) ва Сирдарё вилоятлари (1,3 %) киради.

Айни пайтда Ўзбекистонда хизматларнинг янги турлари фаол ривожланмоқда, уларнинг ҳудуд иқтисодиёти, биринчи навбатда, шаҳар агломерациялари учун аҳамияти сезиларли даражада ошди.

Хусусан, бугунги кунда электрон банкинг ва онлайн харидлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмини ташкил этмоқда.

Замонавий ахборот оламида интернет, логистика, электрон тўлов тизимлари ва электрон ҳужжат айланишининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши натижасида фаолиятнинг янги шакли – электрон тижорат фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-792-сон Қонунининг янги таҳририга мувофиқ, электрон тижорат – бу тадбиркорлик фаолиятининг бир қисми сифатида ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, электрон савдо майдончаси орқали тузилган шартномага мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) олди-сотдисидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ковид-19 ва электрон тижорат. Асосий қоидалар. Женева, 2021”⁷ Глобал Шарҳига асосланиб, рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишга қаратилган саъй-ҳаракатларда тобора муҳим роль ўйнаб, янги имкониятлар ва янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, товарлар ва хизматлар алмашинуви усулларига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Масалан, 2020 йил бошидаги Ковид-19 пандемияси рақамли трансформациянинг тезлашишига олиб келди. Рақамли ечимлар одамлар ва корхоналарга иқтисодий ва ижтимоий фаолиятларининг бир қисмини масофадан туриб давом эттириш имконини берувчи воситага айланди. Бу масофавий ишлаш, видеоконференция, рақамли кўнгилочар ва бошқа иловалардан фойдаланишнинг кўпайишига олиб келди. Бу ҳам электрон тижоратнинг кескин ўсишига олиб келди.

Натижада, ялпи қўшилган қийматдаги электрон тижорат улуши 2019 йилдаги 0,05 фоиздан дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 2023 йилда 1,16 фоизгача ошди.

Бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши билан уларни янада тўлиқ ва сифатли ҳисобга олиш учун самарали мониторингни юритиш зарурати пайдо бўлди.

Демак, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда ҳайдовчиларга буюртмалар бериш хизматларини (масалан, транспорт буюртмаларини тақдим этиш) ҳисобга олган ҳолда диспетчерлик хизматлари ҳажми 174,1 млрд. сўм, уларнинг омбухона ва ёрдамчи

транспорт хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши (8830,3 млрд. сўм) эса 2,0 % даражасида қайд этилди.

Кейтеринг хизматлари (овқатланиш узоқ жойларда овқатланишни ташкил этиш бўйича комплекс хизмат) ҳажми 2023 йилда 105,1 млрд. сўмни ёки озиқ-овқат ва ичимликлар кўрсатиш бўйича бозор хизматлари умумий ҳажмининг (10860,9 млрд. сўм) 1,0 % ини ташкил этди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида ахборот соҳасида қуйидаги хизматлар турлари (2516,0 млрд. сўм)ни ташкил этди:

копирайтер, рерайтер, SEO копирайтер, SEO рерайтер, контент-менежер, спичрайтер, транскрибер хизматлари – 14,4 млрд. сўм ёки 0,6 %;

электрон савдо майдончаларини ташкил этиш хизматлари, шу жумладан электрон тижорат учун – 77,7 млрд.сўм ёки 3,1 %;

юридик шахслар томонидан кўрсатилган электрон ҳужжат айланиши хизматлари – 63,3 млрд.сўм ёки 2,5 %.

PR-менежер, ижтимоий тармоқларда товарларни (ишларни, хизматларни) реклама қилиш бўйича Интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар маъмури, аккаунт менежер, маркетолог, ҳавола менежери, таргетолог, контекстли реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа-режаловчиси, SMO-мутахассиси каби мутахассисликлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда 67,4 млрд. сўмга етди ёки реклама ва бозорни ўрганиш соҳасида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 4,6 % ини (1472,2 млрд. сўм) ташкил этди.

Профилер бозорида кўрсатилган хизматлар ҳажми 0,3 млрд. сўмни ёки касбий, илмий, техник хизматлар умумий ҳажмининг (1000,9 млрд.сўм) 0,03 % ини ташкил этади ва ҳоказо.

Кўрсатилган бозор ветеринария хизматларининг умумий ҳажмида (63,3 млрд. сўм) ҳайвонларни эвтаназия қилиш хизматлари 2,4 млрд. сўмни ёки 3,7 % ни ташкил этди.

Кўрсатилган каршеринг бозори хизматлари ҳажми 25,7 млрд. сўмга ёки енгил автомобиллар ва енгил автотранспорт воситаларини ижарага бериш ва лизинг хизматлари (3424,1 млрд. сўм) умумий ҳажмининг 0,8 % ига тенг бўлди.

Интернет-лойиҳалар билан ишлаш бўйича менежер, фрилансерлар гуруҳи раҳбари, инсон ресурслари менежери (HR) ва ишга ёлловчи (рекрутер) хизматлари 76,0 млрд.сўмни ёки бандлик хизматлари (543,8 млрд.сўм) умумий ҳажмининг 14,0 % ини ташкил этди.

Маъмурий, бошқарув, иқтисодий ва бошқа ёрдамчи хизматлар соҳасида кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида (3092,0 млрд. сўм), электрон конференциялар, семинарлар (вебинарлар), шу жумладан онлайн тарзда ташкил этиш хизматлари 7,2 млрд.сўм ёки 0,2 % га тенг бўлди.

Электрон тил мактаблари томонидан, жумладан, онлайн тарзда кўрсатилаётган бозор хизматлари ҳажми 1,3 млрд. сўмни ёки таълим соҳасидаги хизматлар (15858,4 млрд. сўм) умумий ҳажмининг 0,01 % ини ташкил этади.

Халқ табобати хизматлари (лицензия асосида) 15,0 млрд. сўм ёки соғлиқни сақлаш хизматлари (6613,1 млрд. сўм) умумий ҳажмининг 0,2 % ига тенг бўлди.

Бошқа гуруҳлар таркибига кирмаган якка тартибдаги хизматлар бозорининг умумий ҳажмида (2075,1 млрд. сўм):

- уй ҳайвонлари учун меҳмонхоналар (ўтириш) хизматлари - 1,5 млрд.сўм ёки 0,1 % ни;

- автомобилни мижоз томонидан белгиланган жойга етказиб бериш хизматлари (валет паркинг) – 0,6 млрд. сўм ёки 0,03 % ни ташкил этди.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилар бутун жаҳонда юз бераётган тенденциялар, айниқса Ковид-19 пандемиясидан кейин жадал ривожланаётган хизматларнинг янги турлари Ўзбекистон бозорига ҳам кириб келаётгани, бу эса, иқтисодий ривожланиш стратегиялари, мақсадли дастурлар ва хизматлар соҳасини ривожлантириш борасидаги қарорлар қабул қилишда алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сонли фармони. // www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабрь 2022 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. <https://stat.uz/uz/>

5. Коврижных И.В. Анализ и оценки эффективности управления в организации / И.В. Коврижных. – Барнүл: АФ СИБАГС, 2016. – 86с.

6. Башмачникова Е.В. Управление функционированием и развитием сферы услуг региона: методологические и методические аспекты. Дисс., Тольятти 2005 г.

7. Рахимов Х.Ш. Мамлакат транспорт инфратузилмаси фаолиятини самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. фал. ... дис. Автореф., Тошкент 2021.

8. Хикматов Р.И. Развитие сферы услуг в современных условиях. Дисс., Казань 2006 г.

9. Абдуллаев И. “Минтақа иқтисодийетини ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятлари”. Иқтисодийёт ва инновациялар журналы, 2016.

10. Эрназаров Ғ.Б. “Хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва уларнинг таҳлили”. E-journal / 2018.

11. Бурменко Т.Д., Даниленко Н.Н., Туренко Т.А. Сфера услуг: экономика: учеб. пособие. – М.: КНОРУС, 2007 г.

12. Диянова С.Н., Штезель А.Э. Маркетинг сферы услуг: учеб. пособие. – М.: Магистр: ИНФРА – М, 2015 г. – 192с.

13. Гольц Г.А. Транспорт и макроэкономика России за три века. Материалы X международной (тринадцатой Екатеринбургской) научно-практической конференции 14-15 июня 2004 года.